

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 154-ҳадис

154 - وَعَنْ أَبِي عَبْدِ اللَّهِ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كُنْتُ أُصَلِّي مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الصَّلَاةَ، فَكَانَتْ صَلَاتُهُ فَصْداً وَحُطْبَتُهُ فَصْداً» رَوَاهُ مُسْلِمٌ. [866].

قَوْلُهُ: (فَصْداً): أَي: بَيْنَ الطُّولِ وَالْقَصْرِ.

154. Абу Абдуллоҳ Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«**Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан намоз ўқир эдим. У зотнинг намозлари ҳам, хутбалари ўртача бўлар эди** (яъни, узун билан қисқанинг ўртасида)».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Имом Муслим ва Аҳмадлар қилган ривоятда қуйидагича келган.

Абу Воил: «Аммор бизга хутба қилди. У хутбани қисқа ва балоғатли қилди. Биз унга: «Эй Абу Яқзон, батаҳқиқ, балоғатли ва қисқа қилдинг. Агар бироз нафас узайтирганингда яна ҳам яхши бўлар эди», дедик. Шунда у: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Киши намозининг узунлиги ва хутбасининг қисқалиги фикҳидан аломатдир. Бас, намозни узун, хутбани қисқа қилинглар. Албатта, баёнда сеҳр бордир»** деганларини эшитдим», деди».

Намоз ва хутбанинг «иктисодли» бўлиши жуда ҳам узун, жуда ҳам қисқа бўлиб кетмаслигини, мўъжаз ва ўртача бўлишини билдиради.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намоз ва хутбалари ана шундоқ эди. Саҳобай киромлар у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга ўхшатиб намоз ўқиб, хутба қилишга ҳаракат қилганлар.

Абу Воил розияллоҳу анҳунинг ривоят қилишларича, ўша мадрасаи Муҳаммадияни битириб чиққан улуғ саҳобий Аммор ибн Ёсир хутба қилибдилар. У кишининг балоғатли хутбаларидан баҳраманд бўлган Абу Воил ва унинг шериклари ҳазрати Аммор розияллоҳу анҳуга мурожаат қилиб, балоғатли хутбангизни қисқа қилиб қўйдингиз, сал узунроқ қилсангиз, кўпроқ баҳраманд бўлар эдик, дебдилар.

Шунда Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу бу ишни ўзларича қилмай, балки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашиб қилганларини айтибдилар.

Демак, хутба қилувчи кишилар хутбани қисқа қилишлари, ҳаддан ташқари чўзиб юбориб, одамларга малол келтириб қўймасликлари керак. Зарур ҳолда, балоғатли сўз ва жумлаларни ишлатиб кишиларни сеҳрлаб қўйишлари лозим. Турли ноўрин сўз ва жумлаларни ишлатиб, эшитувчиларни норози қилиш одобдан эмас.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI